

**Жисмоний ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига ўз мурожаатларини
қуйидаги усулларда юборилишлари мумкин:**

1. Оғзаки мурожаат.
2. Ёзма мурожаат.
3. Электрон мурожаат — мурожаат info@proacademy.uz расмий электрон почта манзили орқали электрон шаклда юборилади.

Академияга келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунчилик талабларига асосан кўриб чиқилади.

Бунда ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органи, ташкилот ёки мансабдор шахсга келиб тушган кундан эътиборан 15 кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилган ҳолларда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича мурожаат этувчига ёзма ёки электрон шаклда асослантирилган жавоб берилади.

Агар фуқароларга бепул юридик маслаҳат олиш ёки ариза, шикоят ва бошқа процессуал ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳуқуқий ёрдам керак бўлса, улар ўз мурожаатларини “clinic.proacademy.uz” электрон портали ёки “@ҲМҚА_Юридик_клиникаси_бот” telegram-боти орқали юборишлари мумкин.

**Академия фаолияти ҳақида ахборот ва ҳужжатларни сўраш
ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиби**

Жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек уларнинг вакиллари қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси фаолиятига оид ахборот ва ҳужжатларни сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 7¹-моддасига асосан адвокат сўрови келиб тушган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмай, агар иш бўйича суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси бошланганлиги тўғрисида далолат берадиган ҳужжат тақдим этилган тақдирда, сўровда кўрсатилган ахборот (ҳужжатлар) 3 иш кунидан кечиктирмай тақдим этилиши керак. унда сўралган ахборот ва ҳужжатлар тақдим этилади.

Сўралаётган ахборотда давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир мавжуд бўлса, шунингдек сўровда қонун талабларига мувофиқ маълумотлар кўрсатилмаган ёки сўралаётган ҳужжатлар тегишли органда мавжуд бўлмаган тақдирда, ахборотни тақдим этиш рад этилиши мумкин.

Жисмони ва юридик шахслардан келиб тушган сўровлар
“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги
қонунчилик талаблари асосида кўриб чиқилади.

Боғланиш:

Телефонлар: (71) 202-04-96.

Электрон почта: info@proacademy.uz.